

Abstract

People show their good and bad features by their tongues. A good word can connect the people with each others, bad words makes the friend into an enemy. Therefore one can know the people by their words. Culture of speech is so big and wide field and it includes the whole speech processes such as: to whom, why, how to speak, when and where must we speak.

Key words: speech, language, word, human being, communication, ability of speaking, culture of speech, human character and features.

Сўз инсонни ҳайвондан жудо айлади, дейди ҳазрат Алишер Навоий. Бир тасаввур қилиб кўринг-а, сўзсиз аҳволимиз не кечарди. Сўзлаш қобилият-нутқ борки, одамлар бир-бирлари билан муомала қиладилар, мулоқотда бўладилар, фикр баён этадилар, бир-бирларини тушунадилар ёки рад этадилар. Дардга дармон бўладиган ҳам шу сўз, турмушга оғу соладиган ҳам шу сўз! Сўзнинг хили ва тури кўп: ширин сўз, дағал сўз, беодоб сўз, қочирим сўз, ҳикматли сўз, гап-сўз, табрик сўз, миш-миш, иғво, келинчак алласи, она дуоси, ота олқиши, илтимос, буйруқ, ваъда, лафз, азму қарор, йигит сўзи. Инсоннинг биринчи сўзи чақалоқликдан ингаси, сўнги сўзи – алвидо.

Дарҳақиқат, сўз одамнинг бешиқдан то тобутга қадар бир умрлик йўлдоши. Сўзсиз жамият, маънавий ҳаёт йўқ. Деярли барча маҳлуқотда тил бор. У иссиқ-совуқни, таом-маззани билувчи, овқатланишда иштирок этувчи аъзо. Инсонда эса тил булардан ташқари нутқ товушларини ҳосил қилади, яъни сўзлаш қобилияти тил орқали амалга ошади.

Ер юзиде қанча миллат, ҳалқ, элат, қабила бўлса, шунча тил мавжуд. Тилсиз ҳалқ йўқ. Халқсиз эса тил бўлмайди. Булар эгизак тушунчалардир, уларни айириб бўлмайди, улар айириб қўйилса, иккиси ҳам ўзлигини йўқотади. Халқ бошқа бир халққа қўшилиб кетади, унинг тили эса ўлик тилга айланади.

Лекин дунёда жуда тараққий этган, бой жаҳоний тиллар ҳам бор, энди тетапоя қилаётган тиллар ҳам йўқ эмас. Бу ўша тилларнинг соҳиби бўлмиш миллат ёки элатларнинг тарихий равнақи, босиб ўтган тарихий йўли, инсоний жамиятнинг қайси тараққиёт босқичида экани, иқтисоди, маданияти, фани ва маънавияти каби омилларга боғлиқ. Бизнингча, лоақал биргина она алласи мавжуд бўлган тил ҳам яшашга ҳақлидир.

Ширин-суханлик инсон фаолиятининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Чунки унинг ақл-заковати, фикр-туйғулари, билими ва маданияти, савияси, тафаккури маълум даражада сўзда ифода этилади. Яхши сўз билан кишиларнинг ишончи, қалбини эгаллаш мумкин. Яхши сўз ҳаётнинг қуроли бўлиб, унда олам-олам маъно ётади. Сўз тилнинг таянчи ҳамда гўзаллигидир. Сўз юз ва кўз, тилнинг кўрки ҳисобланади. «Сўзнинг отаси ақл, онаси-тил» дейишади кексалар.

Муомала маданиятида сўз ақлдан куч, тилдан ихтиёр олади. Одамнинг одоби даставвал унинг тили орқали билимида кўринади. Одоб доирасидаги муомала маданиятини ўзлаштирган кишиларга фаросатли, фахмли, одобли, ақлли, эс-ҳушли, маданиятли деб баҳо берамиз.

¹Алишероева Фарангиз – студентка, Ташкентская медицинская академия, Узбекистан.

²Шухратова Дурдона – студентка, Ташкентская медицинская академия, Узбекистан.

Научный руководитель: Ё.Р. Рахмонова, Заведующая кафедрой «Педагогика и психология», Ташкентская медицинская академия, Узбекистан.

Қуръони Каримда инсоннинг айтадиган сўзини ҳар бир хатти ҳаракатини, қиладиган ишини тартибга солувчи ҳукмлар бор. Ислом меъёр, мезон ва мутаносибликни муштарак этувчи бир манзил сифатида инсоннинг оғзидан чиқадиған ҳар бир калимани муайян асослар билан изга солади. Зеро оғзидан чиқаётган ҳар қандай сўз одамлар орасида тезлик билан ўз баҳосини олади. Шундай экан, инсон ёқимли, фойдали, зарурий мавзуларда сўзламоғи, беҳуда ва маъносиз сўзлардан қочмоғи лозим. Ҳадиси шарифда таъкидланишича, сўзнинг фойда зарарини ўйлаб сўзлаган киши одамлар олдида буюк ўрин олгани каби Аллоҳ таоло қошида ҳам марҳаматга сазовар бўладилар.

Ақли бор одам ҳар вақт ўзига зарар келтирадиган сўзлардан сақланади. Ўзига фойдали, зарарли бўлишига қарамасдан ҳар вақт имкони борича тўғри сўзлайди. Ёлғон сўзламоғлик қўлидан иш келмайдиган тубан кишилар одатидир. Тўғри сўзлайдиган одам ўз ишини ўзи бажарувчи, ишда собит турувчидир. Шунинг учун у ваъда қилса, ваъдасини амалга оширади ва ҳар хил гаплардан алданиб ваъдасини бузмайди.

Алишер Навоий «Хайратул аброр» асарида шундай деб ёзади, “Сўз гавҳарининг шарофати шунчалар юксакки, гавҳардек қиммат баҳо нарса ҳам унга садаф бўла олмайди. Сўз жон бўлиб, руҳ унинг қолипидир. Танда руҳи бор одам зоти унга эҳтиёж сезади, Ақлли одам ёлғон гапирмас, аммо барча рост гапни ҳам айтавериш тўғри эмас. Бировнинг кўзи ғилай, ногирондир аммо у айбдор эмас”.

Буюк мутафаккир Маҳмуд Қашғарий ҳам сўз қудратини юксак баҳолаб, инсон тили орқали ўзининг яхши ва ёмон фазилатларини намоён этади, ўзаро, муносабатлар жараёнида шахс сифатида шаклланади - деб таъкидлайди.

Яхши сўз кишиларни бир-бирларига яқинлаштиради, ёмон сўз эса дўстни душманга айлантиради, инсонлар ўртасида фитна-низо уйғотади. Сиз суҳбатдошининг қандай одам эканлигини сўзидан билиб оласиз. Сўз энг жоҳил кишиларни юмшата олиш, одамларни хайрли ишларга чорлаш кучига эга.

Бундан кўришиб турибдики, ҳар бир инсон биров билан гаплашаётганда ниҳоятда ўйлаб гапириши, имкониятига қараб ваъда бериши муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда Алишер Навоийнинг мазкур доно фикрларини келтириш мақсадга мувофиқ: «Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз... Кўп сўйловчи валди роқ тундан тонг отгунча хурийдиган итга ўхшайди. Тили ёмон халқ кўнгилига жароҳат етказгани каби, ўз бошига ҳам офат етказади. Нодоннинг даҳшатга солувчи ажрашга тамоқ қирмоғи эшшакнинг ўринсиз ханграмоғи. Ширинсухан сўзни юмшоқлик ва келишув билан айтадилар. Имкони бор ҳар бир яхшилик сўз орқалидир», деб таъкидлайди. Демак, ширин муомала ҳар бир кишига қувонч, беморга малҳам ва нажот бағишлайди, совуқ сўз эса одамни хаста қилиши мумкин. Шунинг унутмаслик керакки, муомала маданиятини эгаллаган киши эл-юрт олдида баобрў бўлади. Ширин сўз ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Ҳалқимизнинг, “Айтилган сўз-отилган ўқ”, “Оғзидан чиққан сўзни от билан қувиб етолмайсан”, каби нақилларига амал қилиб, ўйлаб муомалада бўлиши керак. «Сўзнинг дами қиличдан ўткир» – дейди ҳалқимиз. Шундай экан, ҳеч бир инсоннинг қалбини тиғ билан тилмайлик. Аксинча, ширин-суханлик, ҳалоллик, иззат-иқромни ўз жойига қўяйлик. Тил фикрни шакллантириш уни юзага чиқариш, бировга етказиш учун имконият туғдиради. У маълум бир сўзлар, қўшимчалар, уларнинг ўзаро бирика олиш имкониятлари ва бирикиш натижалари ҳақидаги қонун-қоидалар мажмуасидир. Тилнинг асосий қонун-қоидаларини, зарур бирликларни, нутқ товушлари, қўшимчалар, сўзларни, уларнинг бирикиш қонун қоидаларини ўқувчи жамиятдан тайёр ҳолда қабул қилади. Уларни ўрганиш учун мактабда ўқиш зарур эмас. Умрида мактаб кўрмаган одамлар ҳам тилни ҳаёт, турмуш, жамият талаблари асосида ўзлаштирадилар. У ички имконият сифатида аниқ бир фикрни хилма-хил усул ва воситалар ёрдамида юзага чиқариш имкониятини беради. Тилнинг бундай имкониятлари беҳад хилма-хилдир. Меъёр мана шу имкониятларни ғалвирдан ўтказувчи омилдир.

Меъёр жамиятда маълум бир мақсадни кўзлаган ҳолда тил имкониятларидан фойдаланиш учун кўрсаткичлар мажмуасидир. Меъёрнинг

олий кўриниши миллий адабий тил услублари, мезонларида ўз аксини топади. Миллий адабий тил эса фақат маълум бир услубий кўринишдагина юзага чиқади.

Нутқ тафаккур маҳсули. Шунинг учун она тили таълими олдида қўйилган яна бир муҳим талаб ўқувчилар тафаккурини ривожлантиришдир. Фикрни баён қилиш тафаккур ва тил орқали амалга ошади.

Уларнинг ўзаро муносабати жуда мураккаб жараёндир. Тафаккур ташқи оламнинг киши миясида акс этишининг олий шакли бўлса, тил тафаккурни маълум бир шаклга солиб сўзлар, сўз бирикмалари ва гаплар билан ифодалаш воситасидир.

Тафаккур қанча ривожлантирилса, ўқувчининг фикр баён қилиш маҳорати ҳам шунча юқори бўлади. Нутқ маданияти жуда катта ва кенг соҳа бўлиб, кимга, нимага, қачон, қаерда ва қандай сўзлашгача бўлган барча нутқий жараёнларни ўз ичига олади.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - энгилмас куч. - Тошкент: "Маънавият", 2008. - 13-14-бетлар
2. Абу Наср Фаробий. "Фозил одамлар шаҳри" Тошкент. Ҳалқ мероси нашриёти 1993,102 б
3. Қобилов Н. Абу Наср Фаробий. Тошкент Тафаккур нашриёти 2010 13-14 б
4. Зиёмухаммадов Б. "Педагогик маҳорат асослари". Т. "Тиб-китоб" - 2009 й.

© F. Alisheroeva, D. Shukhratova, 2019
